

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ БЕРУНИЙ СУЛТОНОВИЧ

**ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ
ВА ИСТИҚБОЛИ
(1991-2017 йиллар ОАВ материаллари мисолида)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Philological sciences**

Алимов Беруний Султонович

Хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон имижини яратиш
тамойиллари ва истиқболи (1991-2017 йиллар ОАВ материаллари
мисолида).....

Алимов Беруний Султонович

Перспективы и принципы формирования имиджа Узбекистана в иностранных и
национальных средствах массовой информации (на примере материалов СМИ
1991-2017 годов).....

Alimov Beruniy Sultonovich

Principles and perspectives of formation of Uzbekistan's image in the foreign and
national mass media (in the case of media materials during the period of 1991-2017).

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ БЕРУНИЙ СУЛТОНОВИЧ

**ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ
ВА ИСТИҚБОЛИ
(1991-2017 йиллар ОАВ материаллари мисолида)**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil101 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Досмухамедов Хуршид Набиевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ирназаров Қудрат Тўғонович
тарих фанлари доктори

Бабаджанова Гулнара Наджимовна
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат
университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгаш асосида 10.00.09 – Журналистика (филология фанлари бўйича) ихтисослиги бўйича бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Маннонов Абдурахим Муталович
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Омонов Қудратилла Шарипович
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Мўминов Файзулла Абдуллаевич
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон медиа маконида мамлакатлар имижини яратишнинг асосий таркиблари, уларни муттасил такомиллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш, PR агентлари, маркетингга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Бу борада хорижий оммавий ахборот воситаларининг объекти сифатида лидер харизмаси, халқ дипломатияси, туризм, инвестицион муҳит, спорт масалаларини ахборий жараёнлар тезлашуви кесимида ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда мамлакат медиа имижини яратиш ва уни такомиллаштириш, ташқи медиа тарғиботнинг назарий асосларини шакллантириш, бу борада аудиовизуал журналистика, интернет-газеталар, ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтган веб-сайтлар фаолиятини тадқиқ этиш, шакллантириш тамойиллари ва истиқболи билан боғлиқ муаммоларни илмий асослаб бериш алоҳида аҳамиятга моликдир. Бироқ глобаллашув жараёнларида мустақиллиги ва давлатчилигидан воз кечган – хаосга айланган жамиятлар эмас, балки тўлақонли давлат сифатида шаклланган, ўз ягона қиёфаси, ўз имижини, худуди, тараққиёт йўналишларини аниқ белгилаб олган давлатларнинг фаол ривожланишини асослаб бериш заруратини изоҳлайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5.2 бўлими «Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу, ўз навбатида медиа маконда Ўзбекистон мавзусининг алоҳида мавқе ва миқёсга кўтарилиши мамлакатимизнинг ташқи имижини ошириш билан боғлиқ илмий-амалий ва ижодий масала сифатида мутахассислар томонидан тадқиқ этилиши халқаро журналистика мезонлари кесимида ҳамда миллий қадриятларимиз билан боғлиқ ҳолда баҳо беришнинг кенг имкониятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль // «Халқ сўзи». 2017 йил 8 февраль.

сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Приезидентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон медиа маконида мамлакат имижини мавзуси атрофича ўрганилган. Т.Парсонс, Е.Юдина, С.Анхольт, Д.Клименко, М.Назаров, И.Сушненкова, М.Кастельс, А.Глепбергенова² сингари олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар эътиборга молик. Россиялик мутахассис олим И.А.Василенконинг қайд этишича, «Ҳозирги шароитда исталган давлатнинг кучи ва таъсири унинг ахборот маконидаги ўрни билан бевосита боғлиқдир»³. Тадқиқотчи И.А.Сушненкова эса айнан ушбу нуқтаи назарни қуйидагича тасдиқлайди: «Бугун жаҳонда у ёки бу субъектнинг муваффақиятли фаолият олиб бораётганлигини унинг ахборот маконида қандай тақдим этилганлиги ва унинг қандай имижга эга эканлиги билан баҳолаш мумкин»⁴.

Юқорида санаб ўтилган ва шу сингари бошқа манбаларда тадқиқотимиз предмети, яъни, мамлакатнинг халқаро медиа имижини шакллантириш масалалари

² Парсонс Т. О структуре социального действия. – М., Академический проект, 2000. – 880с.; Юдина Е.Н. Развитие медиапространства современной России (на примере телевидения): Автореф. дисс. докт. соц. наук. – М., 2008; Anholt, Simon; Hildreth, Jeremy. Brand America: The Mother of All Brands. CYAN Communications, 2004 - Business & Economics. – 192 p.; Клименко Д.А. Основные составляющие странового имиджа и технологии его продвижения (на примере формирования имиджа Италии в России // ["Вестник Московского университета"](#). Сер. 10: Журналистика. №1, – М., 2010. – 174 с.; Назаров М.М. Массовая коммуникация в современном мире: методология анализа и практика исследований. – М., УРСС, 2000.; Сушненкова И.А. Моделирование фрейма как инструмент регионального имиджмейкинга. // Средства массовой информации в современном мире. Петербургские чтения: Материалы 50-й международной научной конференции. – СПб, 2011. – 238 с.; Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / Пер. с англ., под науч. ред. О. И. Шкаратана. – М., ГУ ВШЭ, 2000; Данаева З. Имидж страны. Страновой брендинг / Электронное издание//www.zakon.kz.; Галумов Э.А. Международный имидж России: Стратегия формирования. – М., Известия, 2003. – 446 с.; Глепбергенова А. Страновой имидж: учебное пособие для студентов бакалавриата университетов, обучающихся по специальности «Журналистика», «Связь с общественностью». – Алматы: Казак университеті, 2011. – 78 с.

³ Василенко И.А. Геополитика современного мира. – М., 2006. – 317 с.

⁴ Сушненкова И.А. Моделирование фрейма как инструмент регионального имиджмейкинга // Средства массовой информации в современном мире. Петербургские чтения: Материалы 50-й международной научной конференции. – СПб., 2011. – С.238.

алоҳида мавзу сифатида махсус ўрганилмаган, яхлит шаклда таҳлилга тортилмаган⁵. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда халқаро медиа маконда Ўзбекистон билан боғлиқ ахборот оқимини ўрганиш, мавжуд тажрибани умумлаштириш, шаклланган тенденцияларни таҳлил қилиш, айрим кўзга ташланадиган нуқсонларнинг олдини олиш борасида нафақат илмий тадқиқотлар, балки алоҳида, мақсадли ишлар ҳам деярли учрамайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Халқаро журналистика назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон имижини яратиш тамойилларини такомиллашти-ришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги «ахборот асри» шароитида хорижий ва миллий медиа маконда мустақил Ўзбекистон имижининг яратилиш жараёнлари, тенденциялари ва принципларини ўрганиш ҳамда уни янада такомиллаштириш йўллари кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон давлати халқаро медиа тарғиботининг назарий асосларини мустаҳкамлаш ва шакллантириш;

мамлакат имижини шакллантиришда ОАВ соҳасига замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш чораларини аниқлаш;

халқаро медиа маконда Ўзбекистон имижини шакллантириш соҳасида аудиовизуал журналистиканинг, жумладан, интернет-газеталар ҳамда ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган миллий веб-сайтлар фаолиятини таҳлил қилиш;

мамлакатимизнинг медиа имижини яратишга доир ОАВ мақолаларида ижодий маҳоратнинг ўрни ва аҳамиятини таъкидлаш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда турли ахборот хуружлари билан боғлиқ салбий тенденцияларни, ёш мустақил давлатлар ҳақида оммавий ахборот тарқатишда холислик меъёрларини сақлаш принципларини яратиш;

⁵ Қаранг: Мухаммад аль-Бухари. Рекламование и международные связи с общественностью. – Т., Университет, 2009; Рашидова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. – Т., Заг qalam, 2003; Рашидова Д., Муратова Н. Интернет журналистика. – Т., 2007; Қудратхўжаев Ш. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. – Т., 2010; Қудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. – Т., Ўзбекистон, 2011; Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. – Т., Art paper business, 2012; Қосимова Н., Раҳимова Ф. Нодавлат ноижорат ташкилотлар имижини шакллантириш: назария ва амалиёт. – Т., 2015; Бобожонов Ф. Шахс имижини. – Т., Янги аср авлоди, 2017. – 112 б.

мамлакат имижини мустаҳкамлаш борасида миллий ОАВ фаолиятида тўпланган тажрибалар, ютуқлар ва йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳамда муаммоларни таҳлил этиш, уларнинг ечимига доир фикрлар, хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида мустақил Ўзбекистон медиа имижини.

Тадқиқотнинг предмети мустақиллик даври хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида мамлакат имижига доир қарашлар, тенденциялар, ёндашувлар ва тамойиллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жаҳон ва ўзбек журналистика илмида синовдан ўтган қиёсий, социологик, мантикий-экспериментал, ахборот-таҳлил, тизимли функционал ва адабий таҳлил усуллари асосида бажарилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барқарор константа асосида мамлакат медиа имижини яратиш ва шакллантириш мезонлари тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий шарт-шароитлар бўйича такомиллаштирилган;

дифференциал ёндашув асосида мамлакат медиа имижини ривожлантириш, истиқболни белгилаш, конструктив механизмлари бўйича адаптация шартлари аниқлаштирилган;

Ўзбекистоннинг медиа имижига доир ОАВ материаллари намуналари Ғарб, МДХ ва Осиё мамлакатлари бўйича қиёсий таҳлил асосида туркумлаштирилган;

Ўзбекистон шароитида «худудий имиж»нинг ўзига хослиги «ислом маданияти пойтахти», «кўҳна цивилизация бешиги», «ҳаво дарвозаси», «янги саноат маркази» бўйича миллий, диний, маърифий ва иқтисодий хусусиятларига кўра концептуал ёндашув асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳалқаро медиа маконда мустақил Ўзбекистон нуфузини мустаҳкамлаш, ахборот оқимларини мувофиқлаштириш, жаҳон медиа маконини республика ҳақидаги холис маълумотлар билан таъминлаш мезонлари аниқланган;

мамлакатимиз ҳақида мунтазам ахборот тарқатувчи агентликлар ва муаллифлар материалларини қиёсий таҳлил этиш тамойиллари асосида мамлакат медиа имижини яратишда журналистнинг профессионал маҳорати ва касб этикаси меъёрлари аниқланган;

мамлакат медиа имижини шакллантиришда аудиовизуал журналистика ва ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган миллий веб-сайтлар фаоллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

«Жаҳон медиа маконида мамлакат имижини ривожлантириш имкониятлари ва журналистикада маҳорат масалалари», «Мамлакат медиа имижини ривожлантиришда миллий оммавий коммуникация воситаларининг ўрни: назарий ва амалий аспекти» номли назарий-услубий қўлланмалар ҳамда «Истиқлолга бошлаган дарға. Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов сиймосига чизгилар» номли илмий-оммабоп рисола нашр этилган;

журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг ижодий маҳорат сирларини эгаллаш, жумладан, журналистик матн ёзиш, юқори савиядаги публицистик асар яратиш ва малакали таҳрир қилиш шартларини эгаллашга доир услубий тавсиялар тизими яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ҳар бир ёш мустақил давлат алоҳида тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий воқеа эканлиги, Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётига доир матбуот материалларининг кўпайганлиги, Ўзбекистон мавзусидаги хорижий ОАВ чиқишларининг эволюцияси ва давлат медиа имижини тушунчаларининг тавсифлангани, Ўзбекистон мавзусидаги хорижий ОАВ чиқишлари таснифлангани, уларга доир тенденциялар, принциплар умумлаштирилгани, Ўзбекистон мавзусидаги ёзувчи муаллифлар, экспертлар доираси ўрганилгани, уларнинг ижодий маҳорати ва ўзига хосликлари, шунингдек, Ўзбекистон мавзусида ёзувчи муаллифлар ижодида холислик, журналист этикаси масалаларининг тадқиқ этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар, хорижий ва миллий медиа маконда Ўзбекистон имижини шакллантиришнинг таркибий асослари ҳамда уларнинг ривожланиш тамойиллари ҳақидаги мавжуд қарашлар ва маълумотларни тўлдиради, мамлакат медиа имижини шакллантиришнинг назарий асосларини миллий ҳамда хорижий ОАВ фаолияти мисолида ўрганишнинг кенг имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртларининг журналистика, социология, сиёсатшунослик йўналишларида мамлакат имижини, масс медианинг имижини яратиш усуллари ва сиёсий имижелогия бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиш ҳамда амалиётчи журналистлар учун услубий қўлланма, тавсияномалар яратишда, махсус курс ва семинарлар ўтишга, мазкур жараёни такомиллаштиришга манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқаро медиа маконда мамлакат имижининг тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Ўзбекистоннинг медиа имижига доир ОАВ материаллари намуналари Фарб, МДХ ва Осиё мамлакатлари бўйича қиёсий таҳлил асосида туркумлаштириш билан боғлиқ хулосалардан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури»нинг 52-бандида 2017 йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган «Журналистларнинг амалий касбий малакаси ва амалий кўникмаларини ошириш Дастури»ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2017 йил 17 апрелдаги 05-1101-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалардан фойдаланиш мамлакатимизда ахборот соҳасини халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш ва ушбу йўналишдаги ҳаракатлар самарасини ошириш имконини берган;

Ўзбекистон шароитида «ҳудудий имиж»нинг ўзига хослиги «ислом маданияти», «саноат маркази», «ҳаво дарвозаси», «кўҳна цивилизация бешиги» бўйича миллий, диний, маърифий, иктисодий хусусиятларига кўра концептуал ёндашув асосида аниқлаштириш билан боғлиқ хулосалардан «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Энциклопедия», Чўлпон, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйлари мисолида «Ноширлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси назорат-таҳлил тартибида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг 2017 йил 18 апрелдаги 05/2-01-32-сон маълумотномаси). Мазкур натижа мамлакатимизда ОАВ соҳасида қабул қилинган мавжуд қонунчилик самарадорлигини баҳолаш имкониятини яратган;

барқарор константа асосида мамлакат медиа имижини яратиш ва шакллантириш мезонлари тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий шарт-шароитлар бўйича ҳамда дифференциал ёндашув асосида мамлакат медиа имижини ривожлантириш, истиқболни белгилаш, конструктив механизмлари бўйича адаптация шартлари бўйича аниқланган хулосалардан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан республика ОАВ вакиллари учун ўтказилган қатор илмий-амалий анжуманлар, ўқув семинарларда

кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2018 йил 18 январдаги 14/13-а сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда қабул қилинган ҳаракатлар стратегияси 5-устувор йўналиши тегишли қисмини амалга ошириш механизмини шакллантиришга назарий асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 20дан ортиқ илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 5 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманлари ва семинарларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари муаллиф томонидан яратилган 1 та рисола ва 2 та қўлланмада, шунингдек миллий ва хорижий матбуотда, илмий журналларда, тўпламларда нашр этилган 63 та, жумладан, хорижий нашрларда чоп этилган 8 та мақолада баён этилган (рўйхат илова қилинди).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн фаслдан таркиб топган тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати (123 ном) ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хориж журналистикасида мустақил Ўзбекистон имижини шакллантириш асослари**» деб номланган биринчи бобида мамлакат қиёфасини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари тадқиқ этилган бўлиб, «давлат имижини» тушунчасининг вужудга келиши ва унинг аҳамияти, Мустақил Ўзбекистон медиа имижини шакллантириш воситалари ва уларнинг назарий асослари ҳамда хорижий ОАВда Ўзбекистонда кечаётган ислохотларга муносабатларнинг хилма-хиллиги муаммоси атрофича тадқиқ қилинган.

Манбаларда имиж бўйича илк мутахассис сифатида ҳукмдор Мусонинг ёрдамчиси руҳоний Ҳорун (милоддан аввалги 1445 йил) қайд этилади⁶. Сиёсий арбоб ва саркарда Ю.Цезар (милоддан аввалги 102-44 йиллар) оммага таъсир ўтказиш маҳорати борасида даҳо даражасига кўтарилган. Унинг ҳарбий юришлар

ИМИЖ ЯРАТИШДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ ШАРТЛАРИ





АНИҚЛИК САҚЛанаДИ
Бироқ шароит ва аудитория эҳтиёжларига мослашади



РЕЦЕПИЕНТЛАР БОШҚАРИЛАДИ
Ахборот реципиентларининг реакцияси доимий бошқарилади



FEEDBACK
Имиж – тескари алоқали коммуникация ҳам бўлиши мумкин



ИМИЖ VS ҚИЁФА
Имиж маълум даражада қиёфага мувофиқ келади ва бироқ уни баъзан идеаллаштиради



ФАОЛЛАШТИРАДИ
Имиж объект характеристикалари ва аудитория тасаввурларини бирлаштиради, фаоллаштиради

олдидан мурожаатлари ва турли сахна кўринишлари воситасида халқни ўз томонига оғдириш «санъати» беназир ҳисобланган. Таълимотларида кучли давлат барпо этиш тарафдори бўлган машҳур италян адиби ва сиёсатчиси Н.Макиавелли эса (1469-1527) имижнинг дастлабки назариячиларидан, аниқроғи, юқори даражадаги «имиж туйғуси» ёки юксак «имиж тафаккури» соҳиби сифатида эътироф этилган⁷. Бундай тафаккурнинг моҳияти омма орасида мулоҳаза юритиш ва уларга таъсир ўтказиш, атрофдагиларнинг хоҳиш-истакларини олдиндан пайқаш, одамлар билан илиқ муносабатлар ўрнатишни йўлга қўя билишдан иборат бўлган.

Имиж яратиш ва уни шакллантириш ахборот билан боғлиқ бўлган қуйидаги бир қатор муҳим шартларни бажаришни ҳам тақозо этади:

– имижда аниқлик сақланади, шубилан бир вақтда у ҳаракатчан ва ўзгарувчандир. У доимий равишда тахрир қилинади, янгиланади, айна вазият шароитларига ва аудитория эҳтиёжларига мослашади;

– ахборот реципиенти (қабул қилувчиси)нинг реакцияси бошқарилади (давлат қиёфасини белгиловчи хусусиятлар эса анча турғунликка эга ҳисобланади);

⁶ Утлик Э.П. Практическая психология имиджа. // Вестник университета. Сер. Социология и психология управления. – М.: ГУУ, 1999. С.47.

⁷ Макиавелли Н. Государь. Минск. 1998. С 35.

– имиж – тескари алоқали коммуникация ҳам бўлиши мумкин.

1-расм. Имиж яратишда ахборот билан ишлаш шартлари

Тегишли ахборот ва маълумотлар адресли гуруҳларнинг кутилаётган реакциясига мувофиқ тарзда тузилади;

– имиж маълум даражада қиёфага мувофиқ келади ва, шу билан бирга, уни идеаллаштиради, ўзига фойдали жиҳатларини бўрттиради, ёхуд ўзи мўлжалланган аудиториянинг эҳтиёжларига мос равишда қўшимча ғоявий, сиёсий ва психологик қадриятларни истеъмолга киритади⁸;

– имиж объектнинг асосий характеристикалари ва аудитория тасаввурларини бирлаштиради, фаоллаштиради.

Барқарор константа асосида мамлакат медиа имижини яратиш ва шакллантириш мезонлари тарихий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий шарт-шароитлар бўйича такомиллаштиришни тақозо қилади.

Мамлакатнинг (давлатнинг) ички ва ташқи имижи бир-бирига узвий боғлиқ ҳодиса эканлиги аниқланган. Халқаро ҳамжамият у ёки бу давлат ҳақида мамлакат ичидаги кўплаб воқеликлардан келиб чиққан ҳолдагина тасаввурга эга бўлиши, шу тариқа ички ва ташқи тасаввур яхлит бир бутун жараёнга айланиши таҳлил этилган. Жамиятда демократик мезонларнинг қарор топганлиги, аҳолининг турмуш фаровонлиги, ички ва ташқи муносабатларга очиқлиги, иқтисодий инвестициялар учун шароитлар яратилганлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, матбуот сўзининг эркинлиги ва ҳоказо омиллардан келиб чиққан ҳолда мамлакатнинг (давлатнинг) халқаро нуфузи, салоҳияти белгиланиши исботлаб берилган.

Замонавий ахборот технологияларининг мисли кўрилмаган тараққиёти, хусусан, глобал интернет тармоғи шу пайтгача кишилар онгида шаклланиб келган анъанавий оммавий ахборот воситалари кўламини мутлақо кенгайтириб юборди. Бунинг натижасида анъанавий ахборот макони – бизнинг мисолимизда миллий журналистика «худуди», чегаралари тубдан ўзгарди. «Ичкари»дан «ташқари»га ва аксинча ахборот узатиш ҳажми, суръати тасаввур қилиб бўлмас даражада ортанлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу тадқиқот муаллифи томонидан дунёнинг 20дан зиёд давлатларида олиб борилган бевосита кузатишлар натижасига кўра, Ғарб мамлакатлари (Буюк

⁸ Киселев И.Ю. Проблема образа государства в международных отношениях в рамках конструктивистской парадигмы // www.elitarium.ru. 2007. Апрель. – С. 8.

Британия, Германия ва АҚШ) оммавий ахборот воситаларида аксарият ҳолларда бир томонлама, танқидий материаллар беришга мойиллик сезилса⁹, МДХ (Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Озарбайжон) мухбирларида «об-ҳаво»га қараб ўзгариб туриши¹⁰, Осиё давлатлари (Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср) газеталарида эса асосан ижобий мақолалар¹¹ берилиши аниқланган. Шунга кўра Ўзбекистоннинг медиа имижига доир миллий ва хорижий ОАВ материаллари намуналари Фарб, МДХ ва Осиё мамлакатлари бўйича қиёсий таҳлил асосида туркумлаштирилган.

Диссертациянинг «**Халқаро медиа маконда ёш мустақил мамлакат мавзусининг вужудга келиши тамойиллари**» деб номланган иккинчи бобда хорижий медиа маконда мустақил Ўзбекистон давлати мавзусининг вужудга келиши, интеграциялашув принциплари, қонуниятлари, мамлакатнинг халқаро медиа макондаги имижини ошира боришда миллий журналистиканинг ўрни ва салмоғини кучайтириш масалалари ўрганилган.

XX асрнинг 90-йилларида дунё геосиёсий харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши хусусида ёзар экан, Покистон Миллий Жамиятни бошқариш институтининг етакчи илмий ходими А.Шакур эътироф этганидек, «Дунё тарихида бунчалик қисқа бир давр ичида тинч йўл билан бунчалик кўп ўзгаришлар бўлмаган»¹².

Бироқ глобаллашув жараёнларида мустақиллиги ва давлатчилигидан воз кечган – хаосга айланган жамиятлар эмас, балки тўлақонли давлат сифатида шаклланган, ўз ягона қиёфаси, ўз имижини, худуди, тараққиёт йўналишларини аниқ белгилаб олган давлатгина фаол ривожланиши мумкинлиги асослаб берилган. Ушбу ҳақиқат ёш мустақил Ўзбекистон давлатининг халқаро медиа имижини ошириш масаласига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратилиши зарурлиги кўрсатилган.

«Комсомольская правда» газетасининг Коҳирадаги мухбири А.Шумилин ёш давлат имижини масаласини диний эътиқод аспектидан келиб чиққан ҳолда таҳлил

⁹ Байгин Ш. “Разъяренная многотысячная толпа громит товарный склад, бьет стекла, переворачивает автомобили”. 03.11.2004. Рейтер. (Коканд). <http://www.materick.ru/index.php?bulid=95&bulsectionid>

=8584§ion=analitics

¹⁰ Граждане Узбекистана чаще всех нарушают миграционные законы в Приморье. // РИА Новости 25.11.2013 <http://ria.ru/vl/20131125/979390280.html>

¹¹ “Turkiye'nin sesi” O'zbekiston tanlagan o'z taraqqiyot yo'lining samaradorligi haqida. 23.02.2015 http://www.jahonnews.uz/uzb/news/dunyo_nigohi/trkiyenin_sesi_ozbekiston_tanlagan_oz_taraqqiyot_yolining_samara_dorligi_haqida-4646446.mgr/.

¹² Shakoор A. O'rta Osiyo: Amerikaning manfaat tushunchasi va xavfsizlik siyosati. / Avrasiya etyudlari. 1995, 2-son. - B14.

қилади. Шарҳловчи яқиндагина мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари «катта оға»сиз яшай олмайдилар, бинобарин, улар шак-шубҳасиз Туркия ва Эронни ўзлари учун янги «катта оға» сифатида эътироф этадилар, деган хулосага келади. Марказий Осиё республикалари қаторига у Озарбайжонни, Афғонистонни ҳам қўшиб юборади. Бундай башорат қилиш учун муаллиф бирдан-бир асос – санаб ўтилган ёш мустақил давлатлар аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар эканлигидан келиб чиқади¹³.

Бугунги даврда ҳам давлатимиз ва халқимизни халқаро миқёсларда обрўсизлантиришга қаратилган уринишларга барҳам бериш ички ва ташқи ахборот майдонида фаолият юритаётган мутахассислар, журналистлар ва ҳоказо муаллифлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон эса ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда исталган хорижий ва яқин қўшни мамлакат билан ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доим тайёр бўлган давлат эканлигини намоён этди.

Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнини бошдан кечираётган демократик Ўзбекистоннинг дастлабки шаклланиш даврларида мамлакатнинг ижобий имижини яратиш осон кечмади. Мураккаб бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ислохотлар, мулкчилик шаклининг ўзгариши, хусусийлаштириш жараёни ўз-ўзидан амалга оширилмади. Эндиликда мамлакатдаги ички иқтисодий-ижтимоий шароит яхшиланган бир пайтда Ўзбекистоннинг имижини масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлатнинг позитив имижини ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари ахборот маконига ва бу орқали мамлакат имижига бевосита таъсир этувчи қурол сифатида юзага келади.

Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш жараёни турли хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари тизимининг такомиллашиши ҳамда турфа соҳаларни қамраб олувчи алоқалар чегараларининг кенгайиши билан ҳамоҳанг тарзда кечди. Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан ўрнатган ана шу ўзаро ҳамкорлиги механизмнинг ривожланиб бориши баробарида унинг имижини ҳам шакллана борди. Йиллар ўтгани сари у ташқи муҳитга мос равишда такомиллашди.

Мамлакат имижининг халқаро медиа макондаги тақдирини асосан хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ҳал қилади, деган қарашларга қўшимча ўлароқ бу борада ички имкониятлардан, хусусан, миллий

¹³ Қаранг: Шумилин А. Исламский передел. // Комсомольская правда. 14 января 1992.

журналистикадан фойдаланиш масаласи иккинчи даражага тушиб қолмаслиги кераклиги аниқланган.

Мамлакатнинг ички ахборот маконини ислоҳ этиш, уни жаҳон ахборот маконининг ажралмас бир бўлагига айлантириш ва шу орқали миллий журналистика ва миллий ОАВ тизимини давлатнинг ташқи имижини яратишдаги иштирокини юқори босқичларга кўтаришни давр ва замон кун тартибига қўйди. Миллий журналистика соҳасини демократик кадриятлар асосида қайта куриш, жумладан, номарказлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш, шўро давридан мерос қолган матбуотда цензура амалиётига барҳам бериш, малакали ва замонавий талабларга жавоб бера олувчи кадрларни етиштириш, шунингдек, соҳанинг барча жабҳаларини энг сўнгги технология воситалари билан қуроллантириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу каби янгиликларнинг пировард натижалари – миллий ОАВ тизимини тубдан янгилади, мамлакат ахборот маконини вужудга келтирди, миллий ахборот маконини жаҳон ахборот маконининг ажралмас бир қисмига айлантириш сари йўл очди. Шу билан бирга дифференциал ёндашув асосида мамлакат медиа имижини ривожлантириш, истиқболини белгилаш, конструктив механизмлари бўйича адаптация шартлари аниқлаштириш имкони берди.

Хорижий журналистик тармоқлар Ўзбекистоннинг салбий имижини генераторига айланиб қолишига йўл қўймаслик, ноҳолис мафкурачилар томонидан чет эл оммавий ахборот воситаларини ғаразли мақсадларда ишлатишларига бефарқ бўлмаслик ҳам жиддий вазифалардан ҳисобланади.

Мана шундай шароитда республика имижини нотўғри талқин этиш ва уни сохталаштиришга қарши олиб борилаётган курашни янада фаоллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф-тавсиялар, айниқса мамлакат имижини стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳам миллий, ҳам хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг имижини яхшилайдиган ижобий руҳдаги материаллар кўламини кенгайтириш эса янада долзарб вазифа сифатида юзага чиқади.

Шундай экан миллий журналистиканинг Ўзбекистон имижини шакллантиришдаги ўрнини инобатга олиб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш кечиктириб бўлмас муҳим аҳамиятга эгадир.

«Мамлакатнинг халқаро имижини яратишда миллий оммавий коммуникация воситаларининг ўрни ва аҳамияти» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида кўтарилган масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Назарда тутилаётган оммавий коммуникация

воситалари (инг. mass communications) анъанавий оммавий ахборот воситалари, яъни газета ва журналлар, радио ва телевидениега нисбатан қамрови, таъсир доираси ниҳоятда кенг бўлган, асосан, замонавий электрон алоқа воситаларидан иборат янги тушунчалар, дефинициялар қамровини ўзида бирлаштирувчи атама ҳисобланади.

Бобда халқаро медиа макондаги Ўзбекистон имижини шакллантиришда миллий интернет-газеталарнинг аҳамияти, мамлакат имижини ривожлан-тиришда аудиовизуал журналистика салмоғининг орта бориши (mtrk.uz, mediabay.uz сайтлари мисолида), шунингдек, миллий on-line ахборот сегментининг тараққиёти ва истиқболи (uza.uz, jahonnews.uz сайтлари мисолида) таҳлил қилинган. Мазкур нашрлар Ўзбекистон ичида ва ташқарисида мамлакатимизга доир мавжуд ахборот тақчиллиги муаммосини бирмунча бартараф этиб, ўқувчиларнинг тезкор ва шошилиш ахборотга бўлган эҳтиёжини қондираётганлиги очиқ берилган. Шунингдек, фуқароларнинг уюштирилган, ёлғон-яшиқ, салбий хабарлар излаб, турли хорижий ахборот манбаларига киришга қизиқишини бир қадар пасайтирганлиги кўрсатиб ўтилган.

Кейинги даврларда интернет нашрлар изчил ривожланди. Улар профессионал нуқтаи назардан такомиллашди. Ўқувчилар ҳамда таҳририят ўртасидаги мулоқот тезкор, замонавий, виртуал кўриниш касб этди. Интерактивлик сифати ҳамда қамрови юқори даражага олиб чиқилди. Интернет-газеталарнинг ихтисослашуви масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Веб технологиялар имконияти сифатида вужудга келган Веб 2.0 (Web 2.0) ва Блог (Blog) тизими жуда тез оммалашди. Х.Дўстмуҳаммад таъкидлаганидек «ахборот оқими зўрайгани устига эндиликда у чек-чегара билмай қолди».¹⁴ Айрим блог сайтлар баъзи расмий ахборот тарқатувчи сайтларга қараганда тезкор ишлаётганидан келиб чиқиб Ньус 2.0 (News.2) номи билан атала бошланди. Ньус 2.0 келажакда журналистика даражасига кўтарилиш-кўтарилмаслиги алоҳида масала, бироқ бундан қатъий назар блог тизимига асосланган янги-янги сайтларнинг кўпайиб бораётгани факт (www.binafsha.uz, www.Itishnir.uz, www.blog.fonus.uz, www.blog.uzinfocom.uz, www.ayol.uz каби сайтлар сингари).

Электрон ОАВ орқали хорижий аудиторияга тарқатиладиган журналистик материалларнинг яратилиши борасидаги соф ижодий маҳорат масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир. Радиожурналистика соҳасидаги тадқиқотларга ихтисослашган олима К.Исмоилова хорижий тингловчиларга мўлжалланган радиоканаллар

¹⁴ Дўстмуҳаммад Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Т., Ўзбекистон, 2005 йил. – Б. 25.

фаолиятларида ҳар доим ватан манфаатлари ҳимояси вазифаси бирламчи аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлар экан, бунда услуб ва тил хусусиятларига жиддий эътибор зарурлигини таҳлиллар орқали кўрсатади¹⁵. Гарчи ушбу тадқиқотчининг таҳлиллари радиожурналистика материалларига доир бўлса-да, илгари сурилган мулоҳазалар Интернет-нашрлар фаолиятига ҳам дахлдордир.

Миллий аудиовизуал ОАВнинг интернетга қўшилиши соҳа тараққиёти ҳамда доимий аудиториянинг жадал тарзда кенгайиб бориши учун катта имконият яратганлиги таҳлил қилинган. Глобал тармоқ Ўзбекистондаги радио ва телеканаллар фаолияти жараёнида муҳим ўзгаришлар ясаганлиги исботлаб берилган.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни он-лайн тарзда узатиш, авваламбор хориждаги маҳаллий аудитория учун мўлжалланади. Лекин чет мамлакатлар, жумладан Россия, Хитой, Туркия тажрибасига эътибор қаратилса, бу масала янада чуқурроқ мазмун касб этади. Мисол учун, Россиянинг асосан давлатга тегишли телеканаллари виртуал кенглик воситасида ўз кўрсатувларини тўғридан-тўғри узатиш орқали мамлакатдан ташқарида яшаётган миллионлаб россиялик муҳожирларнинг ўз ватани билан алоқаларини узмаслигини, миллий маданиятидан узоқлашмаслигини таъминлаб келмоқда. Моҳиятан эса бутун дунё аҳолиси ўртасида Россиянинг ижобий имижини шакллантириш, унинг сиёсий ва иқтисодий қудратини кўрсатиш, рус маданиятини тарғиб қилиш асосий мақсад этиб қўйилган («Russia today» каналининг «SophieCo», «RT репортаж», «Эксклюзивное интервью» каби кўрсатувлари). ВГТРК (Всероссийская государственная телевизионная и радиовещательная компания) таркибида фаолият олиб бораётган «Россия 24», «РТР Планета», «Культура» каби каналлар фаолиятида ушбу мақсад яққол намоён бўлади.

Миллий аудиовизуал ОАВнинг интернетга қўшилиши соҳа тараққиёти ҳамда доимий аудиториянинг жадал тарзда кенгайиб бориши учун қулай имконият яратади. Бинобарин, глобал тармоқ Ўзбекистондаги радио ва телеканаллар фаолияти жараёнида иккита муҳим ўзгаришни ҳосил қилди.

Биринчидан, жаҳон бўйлаб кундалик ахборот айланишини on-line даражасига олиб чиқди, яъни, бир вақтнинг ўзида курраи заминнинг барча минтақалари учун тезкор хабар жўнатиш имконияти пайдо бўлди.

Иккинчидан, мавжуд телерадиоканаллар ва муқим аудитория ўртасидаги мулоқот чекловлари кескин қискарди. Бунда интерактивлик фаоллашди, кўпсонли

¹⁵ Исмаилова К. Современные проявления направленности материалов зарубежную аудиторию в сфере международного радиовещания. Глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлиги масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2016. – Б.21.

муштарийлар билан тўғридан-тўғри алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари фаолияти аниқ мисоллар ёрдамида таҳлилга тортилган. Сўнгги йилларда, таъбир жоиз бўлса, ЎЗА ва «Жаҳон» ахборот агентлиги каби «хабар ишлаб чиқарувчи асосий корхоналаримиз» томонидан соҳани ривожлантириш бўйича қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Масалан, янгиликлар, хабарлар, репортажлар, мақолалар ва фото лавҳа каби журналистиканинг анъанавий жанрлари бугунги кун талаблари даражасида мукаммаллашиб бормоқда. Шунингдек, уларни хорижий тилларга таржима қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларни дунё мамлакатларига бевосита узатиш жараёнида янгича технологик кўникмаларга ўрин берилиб, дастлабки натижаларга эришилмоқда ҳам.

Ҳозирги пайтда жамиятнинг ахборотлашуви жадаллашиб, глобаллашув таъсирининг кенгая бориши шароитида халқаро алоқалар ривожланишининг дихотомик жиҳатига, яъни, бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки томонига эътибор қаратиш зарурати туғилмоқда.

Бир томондан халқаро сиёсат субъектларининг умумий қадриятлар, халқаро қонун-қоидалар ва принципларни қабул қилиши кучаймоқда.

Иккинчи томондан эса ана шу субъектлар ўртасида ўзлигини, миллий қадриятларини ва маданиятини сақлаб қолиш учун кураш кетмоқда. Ўзаро босим ўтказиш билан боғлиқ ушбу курашда давлатлар барча имкониятларни, хусусан, ОАВ, нодавлат ташкилотлар, тармоқ ташкилотлари, трансмиллий ҳаракатлар, интернет, СМС ва XXI асрнинг бошқа «гаджет»ларини сафарбар этмоқдалар.

Диссертациянинг **«Халқаро медиа маконда мустақил Ўзбекистон имижини яратишда ижодий маҳорат ва холислик шартлари масалалари»** деб номланган тўртинчи бобида мамлакатнинг халқаро имижини яратишда жанр, тил ва тасвир маҳорати масалалари, шунингдек, ёш мустақил субъектлар медиа имижини яратишда холислик талаблари ва меъёрлари ҳамда журналистнинг профессионал этикаси нормалари тадқиқ қилинган.

Россиялик олима А.Гуслякова ахборот узатишда босма ва электрон ОАВ ўртасидаги тафовутларни 3 хил кўринишга бўлади. Булар:

1. Ахборот узатишнинг экстралингвистик параметрлари орасидаги фарқ;
2. Босма ҳамда электрон медиаматнлар ўртасидаги фарқ;

3. Медиаматнларнинг умумий мавзуларидаги фарк¹⁶.

Олдинги даврларда ёзма матнлардаги нолисоний компонентларга асосан график воситалар киритилган бўлса, бугунги кунга келиб электрон матнлар вужудга келиши натижасида паралингвистик унсурлардан самарали фойдаланиш зарурлиги асослаб берилган. Улар эндиликда фақат графика билан чегараланмасдан, аудио ҳамда видео материалларни ҳам ўзида мужассамлаштираётганлиги алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, уларнинг таркибига:

1. Иконик яъни, график воситалар: расмлар, фотосуратлар, жадвал, формула, белгилар;
2. Аудио воситалар (аудионутқ, муסיқа);
3. Видео воситалар (видеонутқ, видеотасвир);
3. Графика, овоз ва динамика интеграциясида вужудга келган замонавий мультимедиа воситаларини ҳам бемалол киритиш мумкин¹⁷.

Мамлакат ташқи имижини ОАВ орқали шакллантиришда, хусусан, ахборий матнлар ва аудиовизуал материалларни моҳирона тақдим этиш жараёнида паралингвистика муҳим аҳамият касб этади. Чунки электрон ахборотлар замонавий ўқувчилар онгига тезроқ таъсир ўтказиш кучига эга.

Бугунги ўзбек журналистикаси жаҳон ахборот макони архитектуроникасига таркибий бўлим сифатида кириб борар экан, ахборотнинг замонавий жанрлари ва шаклларида фойдаланишни жорий этиш масаласи давр талаби эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Жаҳон геосиёсий харитасида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистон медиа имижининг яратилиши ва шаклланиши ҳақида сўз борар экан, холислик мезонлари жиддий муаммолардан эканлиги кўзга ташланади. Бу ҳар қандай давлатга, хусусан, жаҳон ҳамжамиятига тўла-тўқис кўшилиб улгурмаган, ўзининг ички ва ташқи сиёсатида барқарорликка тўлиқ эришмаган ёш мустақил давлатга муносабатлар турлича бўлиши табиий. Бунинг сабаби кўп албатта. Аслида эса ҳар қандай муносабат манфаатдан бошланади, муносабатнинг нечоғли холислиги, биринчи навбатда, матбуотда яққол намоён бўлади.

Ҳаққонийлик – миллий манфаат – касб этикаси меъёри триадаси тўқнашган ҳолатларда журналистнинг (ёки шарҳловчининг) ижодий маҳорати, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатини баён этиш оҳанги ва энг муҳими, унинг асл нияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Нияти эзгу бўлган журналист ҳар қандай

¹⁶ Гусякова А.В. Типологические характеристики способов передачи Информации в печатных и электронных СМИ XXI века // Вестник ЧГПУ. 2011. №8.

¹⁷ Компанцева Л.Ф. Специфика нормы и узуса в Интернет-дискурсе // technology.ru/public/uzus/html/

вазиятда миллий манфаатга путур етказмаган ҳолда ҳаққонийликка хилоф йўл тутмайди.

Филология фанлари доктори Х.Дўстмуҳаммад мухбирлар этикасини уларнинг касб маҳорати билан боғлайди: «Анъанавий журналистикада бўлгани каби Интернет журналистикасида ҳам журналист мавқеи ва салоҳиятини ахборот «денгизи»дан керакли ва холис ахборотни саралаб олиш маҳорати белгилайди»¹⁸.

Россиялик колумнист А.Архангельскийнинг фикрига кўра, «матбуот объективлиги» бир-биридан принципиал тарзда фарқ қилувчи субъектив фикрлар мажмуи; турли хил журналлар, газеталар ва телеканалларнинг мавжудлиги¹⁹ билан изоҳланади. Баҳсли мавзунинг бир томонлама ёритилиши демократик эмас, балки тоталитар журналистиканинг белгиси ҳисобланади²⁰. Холислик ҳақидаги ушбу ва бошқа назарий тамойиллардан келиб чиқилса мамлакат имижининг ОАВда шаклланиши жараёнида холислик талаблари, масаласи бирмунча мураккаб ва жиддий муаммоларни ўзида мужассам этгани кўринади.

Айниқса ҳозирги турли ахборот хуружлари ва қарама-қаршиликлари даврида манбаларнинг ҳаққонийлиги ёки фактларни саралаш маданияти холисликни белгилаб берувчи жиддий омил эканлиги очиб берилган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги илмий хулоса ва таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

